АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ахборот хавфсизлиги турлари

- Ахборот хавфсизлигининг ташкилий чоралар
- Ахборот хавфсизлигининг техник чоралари
- Ахборот хавфсизлигининг дастурий чоралари

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш

- ***Ахборот хавфсизлигини таъминлаш*** – бу фойдаланувчининг ахборотларини ҳимоялашга қуйилган меъёр ва талабларни бажаришидир.
- ***Ахборот хавфсизлиги*** – бу ахборот фойдаланувчиларига ва кўплаб ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан ахборотларни ва ахборот коммуникация тизим объектларининг ҳимояланганлигидир.

Логин ва пароль тушунчаси

- **Логин** – шахснинг, ўзини ахборот коммуникация тизимига таништириш жараёнида қўлланиладиган белгилар кетма-кетлиги бўлиб, ахборот коммуникация тизимидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун фойдаланилувчининг махфий бўлмаган қайд ёзуви ҳисобланади.
- **Парол** – унинг эгаси ҳақиқийлигини аниқлаш жараёнида текширув ахбороти сифатида ишлатиладиган белгилар кетма-кетлиги (махфий сўз). У компьютер билан мулоқот бошлашдан олдин, унга клавиатура ёки идентификация картаси ёрдамида киритиладиган ҳарфли, рақамли ёки ҳарфли-рақамли код шаклидаги махфий сўздан иборат.



Идентификация ва аутентификация

- **Идентификация** (инг. *Identification*) – ахборот тизимлари объект ва субъектларига уни таниш учун номлар (идентификатор) бериш ва берилган ном бўйича солиштириб уни аниқлаш жараёни.

- **Аутентификация** (инг. *Authentication*) – объект ёки субъектни унга берилган идентификаторга мослигини текшириш ва белгилар кетма-кетлигидан иборат махфий кодини текшириш орқали асллигини аниқлаш.

- **Авторизация** – фойдаланувчининг ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқлари ва рухсатларини текшириш жараёни. Бунда фойдаланувчига ҳисоблаш тизимида баъзи ишларни бажариш учун муайян ҳуқуқлар берилади. Авторизация шахс ҳаракати доирасини ва у фойдаланадиган ресурсларни белгилайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби

Рўйхатдан ўтиш – фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва уларга дастурлар ва маълумотларни ишлатишга ҳуқуқ бериш жараёни.

Айрим веб-сайтлар фойдаланувчиларга қўшимча хизматларни олиш ва пуллик хизматларга обуна бўлиш учун рўйхатдан ўтишни ҳамда логин ва парол олишни таклиф қиладилар.

Фойдаланувчи рўйхатдан ўтгандан сўнг тизимда унга қайд ёзуви (account) яратилади ва унда фойдаланувчига тегишли ахборотлар сақланади.



Логин ва парол масалалари

- **Логин ва паролга эга бўлиш шартлари.** Бирор шахс ўзининг логин ва паролига эга бўлиши учун у биринчидан ахборот коммуникация тизимида руйхатдан ўтган бўлиши керак ва шундан сўнг у ўз логини ва паролини ўзи ҳосил қилиши ёки тизим томонидан берилган логин паролга эга бўлиши мумкин.

- **Логин ва паролни бузиш.** Логин ва паролни бузиш – бу бузғунчининг бирор бир мақсад йўлида ахборот коммуникация тизими объектларидан фойдаланиш учун қонуний тарзда фойдаланувчиларга тегишли логин ва парольларини бузишдир.

- **Логин ва паролни ўғирлаш.** Логин ва паролни ўғирлаш – бу фойдаланувчиларнинг махфий маълумотлари бўлган логин ва паролларга эга бўлиш мақсадида амалга ошириладиган интернет фирибгарлигининг бир туридир.

Ахборотларни ҳимоялаш

- **Шифрлаш –** бу очиқ ахборотларни ёпиқ кўринишга ўтказиш жараёнидир. Бу жараён муҳим маълумотларни ишончли жойларда сақлаш ёки уларни ҳимояланган алоқа каналлари орқали узатишда қўлланилади.
- Маълумотларни шифрлаш жараёни иккига бўлинади
  - Шифрлаш (зашифровывания) – махсус алгоритм асосида белгилардан таркиб топган махфий калитни ахборотга қўшиш орқали ахборотни ёпиш;
  - Шифрни очиш (расшифровывания) – махсус алгоритм асосида ахборотдан калитни ажратиб олиш орқали маълумотни очиш;

Ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш ва унинг оқибатлари

Ахборот-коммуникация тизимининг ихтиёрий таркибий қисмларидан бири бўлган, ҳамда ахборот тизими тақдим этадиган имконият мавжуд бўлган ресурслардан белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлмаган ҳолда, фойдаланишни чеклаш қоидаларига риоя қилмасдан фойдаланиш – бу ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш тоифасига киради.

Бундай фойдаланиш натижасида қуйидаги оқибатлар юзага келиши мумкин:

- ахборотнинг ўғирланиши;
- ахборотни ўзгартириш;
- ахборотнинг йўқотилиши;
- ёлғон ахборотни киритиш;
- ахборотни қалбакилаштириш ва ҳ.к.

Компьютер вируси

Компьютер вируси – бу ўз-ўзидан кўпаювчи, компьютер тармоқлари ва ахборот ташувчилари орқали эркин тарқалувчи, ҳамда компьютер ва унда сақланаётган ахборот ва дастурларга зарар етказувчи дастур коди ёки командалар кетма-кетлиги ҳисобланади.

Компьютер вируслари қуйидаги хоссаларга эга: ўзидан нусха кўчириш, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни амалга ошириш.

Вирус, аксарият ҳолларда носозлик ва бузилишларга сабаб бўлади ва бирор ҳодиса юз бериши билан, масалан, аниқ куннинг келиши билан ишга туширилиши мумкин.

Вирусларнинг турлари ва вазифалари

Вирусларга қарши курашиш усуллари

Ҳозирги кунда компьютер вирусларини аниқлаш ва улардан ҳимояланиш учун махсус дастурларнинг бир неча хиллари ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастурлар компьютер вирусларини аниқлаш ва йўқотишга имкон беради.

Бундай дастурлар вирусга қарши дастурлар ёки ***антивируслар*** деб юритилади. Антивирус дастурларига **AVP, Dr.Web, Nod32** дастурларини киритиш мумкин.

Вирусларга қарши курашишнинг асосан қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Мунтазам профилактика ишларини, яъни вирусга текширув ишларини олиб бориш.
2. Таниқли вирусни зарарсизлантириш.
3. Таниқли бўлмаган вирусни зарасизлантириш.

KASPERSKY lab

Dr.WEB® Антивирус



Ҳужум тушунчаси ва ахборот хужумлари

Ҳужум тушунчаси – бузғунчининг бирор-бир мақсад йўлида ахборот коммуникация тизимларининг мавжуд ҳимоялаш тизимларини бузишга қаратилган ҳаракати. Бундан фойдаланувчининг логин ва паролини аниқлаш ёки бузиш орқали унинг ҳуқуқларига эга бўлиш.

Ахборот ҳужумлари одатда 3 га бўлинади:

- Объект ҳақида маълумотлар йиғиш (разведкалаш) ҳужуми.
- Объектдан фойдаланишга рухсат олиш ҳужуми.
- Хизмат кўрсатишдан воз кечиш хужуми.

UZ-CERT - тизими



UZ-CERT тизими хизматлари

UZ-CERTIFIED
SECURE YOUR SITE

Участник UZ-CERTified

Адрес сайта:	www.tuit.uz
Дата регистрации:	2010-09-21
Последняя проверка:	2011-08-12

Сведения WHOIS

Новый поиск

Эътиборингиз учун рахмат!